

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 12-13-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (148-149)
ТЎПЛАМИ 2005 й.
март-апрель

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

88. «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ–3586-сон Фармони
89. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 мартдаги ПФ–3587-сон Фармони
90. «Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 29 мартдаги ПФ–3588-сон Фармони

Учинчи бўлим

91. «Пахта чигити ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 31 мартдаги 93-сон қарори

Бешинчи бўлим

92. «Юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чой хом ашёсини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 11 мартдаги 01-02/8-6, 52, НН-01/10-1088, 2005-31-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 22 мартда 1459-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
93. «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 мартдаги 3-А/2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 22 мартда 626-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
94. «Хўжалик юритувчи субъектларга қўшимча қиймат солиғи бўйича ноль ставкасини қўллаш натижасида ҳосил бўлган манфий фарқни қоплаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 15 февралдаги 27, 50, 2005-24-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 22 мартда 1460-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
95. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 14 мартдаги 32, 259-В-1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 22 мартда 1448-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
96. «Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 24 мартдаги 04/ҚҚ, 01-76, 01/1184-сон қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 мартда 1461-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
97. «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог кадрлари аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 24 мартдаги 05/ҚҚ, 01-77, 01/1185-сон қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 мартда 1462-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

98. «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация қилиш ва бойликларни ташишга доир йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 мартдаги 3-А/3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 29 мартда 1263-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
99. Ўзбекистон Республикасининг «Учишга яроқлилик тўғрисида шаҳодатномаларни бериш» (ЎзР АҚ 30) Авиацион қоидаларига ўзгаришлар ва тўлидиришлар киритиш тўғрисида» Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлиғининг 2005 йил 23 мартдаги 41-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 29 мартда 1225-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 19 мартдан 1 апрелча бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

88 Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида

Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш, янги замонавий қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда унинг турларини кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш, мактаб таълими ва уй-жой қурилишини ривожлантириш умуммиллий дастурларини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ички бозорнинг қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёжи қондирилишини таъминлаш, шунингдек экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2010 йилгача бўлган даврда қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

биринчи навбатда устувор умуммиллий ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини назарда тутган ҳолда уларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш;

қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг янги замонавий технологияларини жумладан, республикамизда амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни ривожлантириш асосида жорий этиш ва ўзлаштириш;

тармоқ корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини ниҳоясига етказиш, хусусий корхоналар барпо этишни рағбатлантириш ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш йўли билан қурилиш материаллари бозорини монополиядан чиқариш ҳамда рақобат муҳитини вужудга келтириш;

худудларнинг эҳтиёжлари ва истикболда маҳаллий қурилиш хомашё ресурсларининг янги конларини ўзлаштиришни ҳисобга олган ҳолда қурилиш материаллари корхоналарининг оқилона худудий жойлаштирилишини таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

ўрта махсус касб-ҳунар таълими, умумтаълим мактаблари, болалар спорти, уй-жой ва саноат-фуқаро қурилишини ривожлантириш дастурларининг параметрларига асосан ишлаб чиқилган 2005—2010 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг мақсадли кўрсаткичлари 1 ва 1а-иловаларга* мувофиқ;

республика минтақаларида 2005—2010 йилларда қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантириш ва қурилиш материалларининг янги турларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

* 1, 1а, 2-иловалар берилмайди.

жойларда амалга оширилаётган ижтимоий ривожланиш дастурлари ва саноат-фуқаро қурилишининг параметрларидан келиб чиққан ҳолда 2005—2010 йилларда республика минтақаларида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни қўшимча равишда кўпайтириш бўйича мақсадли вазифалари 3-иловага* мувофиқ;

2005—2010 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ўзлаштирилаётган янги норуда хом-ашё конлари рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

2005—2010 йилларда қурилиш материаллари экспортининг мақсадли кўрсаткичлари тўғрисидаги таклифлари 5-иловага* мувофиққабул қилинсин.

3. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш борасидаги истиқболли инвестиция таклифлари рўйхати 6-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

4. «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси ҳузурида янги технологиялар ҳамда қурилиш материалларининг юқори самарали янги турларини ишлаб чиқариш соҳасидаги амалий илмий тадқиқотлар ва конструкторлик-технология ишланмаларини марказлаштирилган тартибда молиялаштириш учун бюджетдан ташқари махсус Жамғарма ташкил қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу махсус Жамғармани шакллантириш манбаларини аниқласин, мазкур Жамғармани шакллантириш ва унинг маблағларидан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. 7-иловага** мувофиқ «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси корхоналари томонидан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва мазкур Фармонда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган ускуналар ва ёрдамчи материаллар 2006 йилнинг 1 январидан бошлаб икки йил муддатга божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) озод қилинсин.

Белгилансинки, бўшайдиган маблағлар қурилиш материаллари саноати корхоналарини янгилаш ва техника билан қайта қуроллантиришга мақсадли фойдаланиш учун йўналтирилади.

6. 8-иловага** мувофиқ 2005—2009 йилларда қурилиш материаллари саноати корхоналарига ноанъанавий хом-ашё турларини етказиб бериш қўшилган қиймат солиғини тўламасдан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси билан биргаликда:

қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш борасидаги истиқболли инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги ахборотни маҳаллий ва хорижий инвесторлар, манфаатдор корхона ва ташкилотларнинг кенг доирасига етказсинлар;

янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг юқори унумли ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этишда тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатсинлар.

8. Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фао-

* 2—6-иловалар берилмайди.

** 7-8-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

лиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси (А.Х. Тўхтаев) ишларнинг мувофиқлаштирилишини ҳамда 2010 йилгача бўлган даврда қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш жараёнлари, шунингдек ушбу Фармон билан бериладиган имтиёз ва преференциялардан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланилиши мониторинги тегишли даражада олиб борилишини таъминласин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Х. Тўхтаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 март,
ПФ-3586-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

89
сида

Ўзбекистон Республика Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунлари кучга киритилганлиги муносабати билан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 март,
ПФ-3587-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2005 йил 25 мартдаги ПФ-3587-сон
Фармониغا
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 ноябрдаги ПФ-500-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом II бўлими «б» кичик бўлимининг 4-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг аризасини консуллик муассасаси барча материаллар ва ўз хулосаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлигига юборади. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳузурдаги Фуқаролик масалалари комиссияси учун хулоса тайёрлайди. Комиссия Миллий хавфсизлик хизматидан ҳам материаллар олади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 24 сентябрдаги ПФ-2943-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомнинг 19-бандидаги «Олий Мажлисининг депутатларидан» деган сўзлар «Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ва Сенати аъзоларидан» деб ўзгартирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 21 июндаги ПФ-3093-сонли Фармони 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Олий Мажлисига» сўзлари «Олий Мажлиси палаталарига» деб ўзгартирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 4 ноябрдаги ПФ-3157-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисидаги низомда:

л) 2-банддаги «Олий Мажлисига» сўзлари «Олий Мажлисининг палаталарига» деб ўзгартирилсин;

б) 3-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Ўз фаолиятида Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-га, Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади»;

в) 14-банддаги бешинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳисоб палатасининг фаолиятига тааллуқли масалалар кўриб чиқиши чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва унинг қўмиталари мажлисларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида қатнашади»;

олтинчи хатбошидаги «Олий Мажлисига» сўзлари «Олий Мажлиси палаталарига» деб ўзгартирилсин;

г) 15-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Олий Мажлис қўмиталарининг» сўзлари «Олий Мажлис палаталари қўмиталарининг» деб ўзгартирилсин;

д) 25-банддаги «Олий Мажлисига» сўзлари «Олий Мажлиси палаталарига» деб ўзгартирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

90 Халқ бадий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Халқ бадий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантириш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатламларини жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1741-сонли Фармонининг 2-бандида кўзда тутилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2008 йилнинг 1 апрелига қадар узайтирилсин.

2. Халқ бадий ҳунармандчиликлари ва амалий-безак санъати буюмлари асосий турларининг янгиланган рўйхати иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1741-сонли Фармонига илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 март,
ПФ-3588-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

91 Пахта чигити ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Уруғлик чигитни ишлаб чиқариш, унинг сифати, сақланиши ҳамда уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотлардан оқилона фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази тузилмасида Пахта чигитидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази Пахта чигитидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

пахта чигити ишлаб чиқаришни, унинг миқдорини, сифатини, ундан мақсадли фойдаланишни, мулкчилик шаклларида қатъи назар, пахта тозалаш, ёғ-мой корхоналарида пахта чигитини ҳамда уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотларни сифатли сақлашнинг таъминланишини, ташиш вақтида нобуд бўлишини қисқартиришни, шунингдек қишлоқ хўжалиги корхоналарида уруғлик чигитдан фойдаланишни назорат қилиш;

пахта чигитига ва уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотларга норматив-техник ҳужжатлар талабларига, шунингдек қабул қилиб олиш, юклаб жўнатиш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт-импорт операцияларида уларнинг сифатини синаш методларига риоя этилишини мунтазам равишда назорат қилиш;

пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган техник чигитнинг ҳар қайси туркумини мувофиқлик сертификати берган ҳолда синашни амалга ошириш;

пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналарига пахта чигитини сақлаш, тозалаш, қуриштириш, унга ишлов бериш бўйича, шунингдек пахта тозалаш корхоналарида норматив-техник ҳужжатларни ва илғор технологияларни белгиланган тартибда жорий этиш, техник чигитни топшириш-қабул қилиб олиш механизминини такомиллаштириш масалаларида методик ёрдам кўрсатиш.

3. Пахта тозалаш корхоналари бошқарув органларининг пахта тозалаш корхоналари уруғчилик лабораторияларини хоналар, асбоб-ускуналар ва ходимлар сони билан бирга «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази балансига текин бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Қуйидагилар:

«Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази Пахта чигитидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

«Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг Пахта чигитидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

«Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 105 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 54 нафар этиб;

пахта чигитидан фойдаланишни назорат қилиш бўйича инспекторлар сони 36 нафар, шу жумладан марказий аппаратда — 5 штат бирлиги ва минтақавий инспекторлар сони 31 нафар этиб;

лабораториялар ходимлари сони 260 нафар, шу жумладан Марказий лаборатория ходимлари сони 4 нафар ва пахта тозалаш корхоналаридан «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази тасарруфига бериладиган уруғчилик лабораториялари ходимлари сони 256 нафар этиб белгилансин.

Пахта чигитидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси аппаратининг ва унинг ҳудудий органлари жорий фаолиятини молиялаштириш «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан, техник чигитни сертификатлаш бўйича хизматлар кўрсатишдан ҳамда бошқа хўжалик фаолиятдан тушадиган маблағлар ҳисобига амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази:

бир ой муддатда «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда тақдим этсин;

2005 йил 1 сентябргача уруғчилик лабораторияларини пахта чигитининг сифат параметрларини амалдаги давлат стандартларига мувофиқ аниқлаш имконини берадиган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни таъминласин;

икки ой муддатда Пахта чигитидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясини малакали ва тажрибали кадрлар билан таъминласин, уларни пахта чигитини миқдори ва сифати жиҳатидан ҳисобга олишнинг замонавий методларига ўқитсин.

7. Ёғ-мой корхоналарининг техник чигитни миқдори ва сифати бўйича қабул қилишни бевосита пахта тозалаш корхоналарида амалга ошириши тартиби белгилаб қўйилсин.

8. «Ўзпахтасаноат» ва «Ёғмойтамакисаноат» уюшмалари ўз таркибига кирадиган корхоналар ҳамда «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази билан биргаликда ҳар йили пахта хом ашёси ва пахта чигитини қайта ишлаш тугаллангандан кейин барча пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарида уруғлик чигитни хатловдан ўтказиш ва тозалашни амалга оширсинлар. Хатлов натижалари бўйича материаллар ҳар йили 1 августгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этилсин.

9. «Ўзстандарт» агентлиги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» ва «Ёғмойтамакисаноат» уюшмалари билан биргаликда икки ой муддатда:

пахта чигити учун барча норматив ҳужжатларни ва амалдаги стандартларни хатловдан ўтказсин ҳамда зарурат бўлганда уларга белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритсин;

техник чигитни сертификатлаш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

10. «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази бюджетга даромад (фойда) солиғи ва мулк солиғи тўлашдан бир йил муддатга озод қилинсин,

бўшайдиган маблағлар пахта чигитини сертификатлаш ва назорат қилиш тизимини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 220-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши, 3-бандининг биринчи хатбоши ва ушбу қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 март,
93-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 31 мартдаги 93-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
«Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази
Пахта чигитидан фойдаланишни назорат қилиш
инспекциясининг ташкилий тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 31 мартдаги 93-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш
марказининг Пахта чигитидан фойдаланишни назорат қилиш
инспекцияси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Пахта чигитидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг пахта чигити ресурсларининг ҳамда уларни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотларнинг сифати, сақланиши ва улардан оқилона фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга оширадиган таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Инспекция, унинг ҳудудий инспекторлари ва лабораториялари давлат бошқарувининг бошқа органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

4. Инспекциянинг моддий-техника таъминоти, шунингдек Инспекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш техник чигитни сертификатлаш бўйича хизматлар кўрсатишдан ва бошқа хўжалик фаолиятидан тушадиган маблағлар ҳисобига «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан амалга оширилади.

II. Инспекциянинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

пахта чигити ишлаб чиқаришни, унинг миқдорини, сифатини, улардан мақсадли фойдаланишни, мулкчилик шаклларида қатъи назар, пахта тозалаш, ёғ-мой корхоналарида пахта чигитини ҳамда уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотларни сифатли сақлашнинг таъминланишини, ташиш вақтида нобуд бўлишини қисқартиришни, шунингдек қишлоқ хўжалиги корхоналарида уруғлик чигитдан фойдаланишни назорат қилиш;

пахта чигитига ва уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотларга норматив-техник ҳужжатлар талабларига, шунингдек қабул қилиб олиш, юклаб жўнатиш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт-импорт операцияларида унинг сифатини синаш методларига риоя этилишини мунтазам равишда назорат қилиш;

пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган техник чигитнинг ҳар қайси туркумини мувофиқлик сертификати берган ҳолда синашни амалга ошириш;

пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналарига пахта чигитини сақлаш, тозалаш, қуритиш, уларга ишлов бериш бўйича, шунингдек пахта тозалаш корхоналарида норматив-техник ҳужжатларни ва илғор технологияларни белгиланган тартибда жорий этиш, техник чигитни топшириш-қабул қилиб олиш механизмини такомиллаштириш масалаларида методик ёрдам кўрсатиш.

6. Инспекция ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

пахта чигитининг ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларнинг сифати, сақланиши ва улардан оқилона фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

мувофиқлик сертификати берган ҳолда техник чигитнинг ҳар бир туркумини синовдан ўтказиши. Синовлар ўтказиш ва мувофиқлик сертификати бериш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган нархлар бўйича тўлов асосида амалга оширилади;

пахта чигит ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ҳисобга олиниши тўғри юритилишини, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарда сақлашда табиий камайиш нормалари қўлланилишининг асосланганлигини назорат қилади;

республика ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида пайдо бўладиган низоли ҳолатларда, шунингдек экспорт-импорт операцияларида ўз ваколатлари доирасида уруғлик чигитнинг сифати бўйича синовлар ўтказиши ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун ҳулосалар беради;

пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларнинг балансларини тузишда қатнашади, харид қилиш мўлжалланаётган хом ашёнинг сифати, шу жумладан импорт бўйича, шунингдек уни экспорт қилишда таклифлар киритади;

уруғлик чигитни ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг пахта чигитининг сифати, сақланиши ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича ҳисоботларини эшитади;

пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган технология жараёнлари билан тартибга солинган сифат, сақлаш, оқилона фойдаланиш, ҳисобни юритиш масалалари бўйича, шу жумладан ишлаб чиқариш, ташиш ва сақлаш пайтида маҳсулот чиқиши миқдорини аниқлаш, уларнинг табиий камайиши нормалари масалалари бўйича норматив-техник ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва манфаатдор идоралар билан келишишда иштирок этади;

пахта чигитидан фойдаланиш устидан назорат бўйича давлат инспекторларининг иш тартибини белгилаб берадиган текшириш қоидаларини, шунингдек пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларнинг мувофиқлик сертификатлари шакллари ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш давлат дастурларини тайёрлашда қатнашади;

пахта чигити сифатининг ёмонлашиши, нобудгарчилиги ҳолатлари ва сабабларини аниқлайди, зарурат бўлганда, уларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар беради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини пахта чигити ресурслари ва уларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар сақланиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилади;

пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари билан биргаликда янги ҳосилдан олинган пахта чигити сифатини ҳар йили текширади, уларнинг технологик тавсифларини ўрганиб чиқади.

III. Инспекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

пахта чигити ресурслари ва уларни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган, сақлайдиган, қайта ишлайдиган ва сотадиган корхоналар ва ташкилотларни белгиланган тартибда текшириш;

корхоналар ва ташкилотларни текшириш билан боғлиқ масалалар бўйича уларнинг ҳужжатлари билан танишиш;

пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотлар намуналарини корхоналарда белгиланган тартибда танлаб олиш, ўрганиб чиқиш учун уларнинг лабораторияларидан фойдаланиш ва текшириш билан боғлиқ ишларни бажариш учун зарурат бўлганда корхоналарнинг мутахассисларини жалб этиш, зарурат бўлганда пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотлар намуналарини қўшимча равишда текшириш учун тегишли лабораторияларга жўнатиш;

зарурат бўлганда пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари билан биргаликда автомобиль ва темир йўл транспортида келтирилган ва уларга юкланadиган пахта чигити ва уларни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотлар туркуми вазнини назорат тартибда тортиб кўриш;

пахта чигити ва маҳсулотлар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги асосли равишда шубҳа туғдирган ҳолларда пахта чигити ресурслари ва уларни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотлар қолдиқларини қайта тортиб кўрган ёки стандарт массага ўралган маҳсулотни қайта ҳисоблаб чиққан ҳолда навбатдан ташқари хатлов тайинлаш;

пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотларни сақлаш учун яроқсиз бўлган идишларда сақлашни тақиқлаш, технология ва санитария режимларини қўпол равишда бузиш аниқланган тақдирда ушбу бузишлар бартараф этилгунга қадар алоҳида ишлаб чиқаришлар, цехлар ва корхоналарнинг ишини, шунингдек норматив ва техник ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотларни мақсадли йўналиш бўйича реализация қилишни тўхтатиб қўйиш;

хўжалик юритувчи субъектларга, бирлашмаларга ва бошқа товар ишлаб чиқарувчиларга пахта чигити ва уни қайта ишлашдан олинadиган маҳсулотларнинг сифатини баҳолаш, шунингдек ўз ваколатлари доирасида хизматларнинг бошқа турларини кўрсатиш бўйича шартнома асосида хизматлар кўрсатиш.

Инспекция Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Инспекция ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

9. Инспекциянинг мансабдор шахслари ўз хизмат мажбуриятлари зарур даражада бажарилмаганлиги, шунингдек текширилаётган корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ва тижорат сири ошқор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

IV. Инспекция фаолиятини ташкил этиш

10. Инспекцияга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланadиган ва лавозимдан озод қилинadиган бошлиқ бошчилик қилади.


Инспекция бошлиғи айни бир вақтда «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази бош директорининг ўринбосари ҳисобланади.

11. Инспекция бошлиғи:

Инспекциянинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда Инспекцияга юлланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

12. Инспекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат»
Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг ташкилий
тузилмаси ва марказий аппарати тузилмаси**



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

92 **Юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чой хом ашёсини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
22 мартда 1459-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 1 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 январдаги «Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 15-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чой хом ашёсини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисидаги низом* тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 март,
01-02/8-6-сон

Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2005 йил 11 март,
52-сон

* Низом рус тилидаги матнда берилган.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси **Н. НАЖИМОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 11 март,
НН-01/10-1088-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 11 март,
2005-31-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

93 Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
22 мартда 626-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 1 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 626) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ушбу қарор ижроси устидан назорат раиснинг биринчи ўринбосари Қ.Т. Рофиев зиммасига юклатилади.

Марказий банк Бошқаруви раиси **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 12 март,
3-А/2-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

94 Хўжалик юритувчи субъектларда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкасини қўллаш натижасида юзага келган салбий фарқни қоплаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
22 мартда 1460-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 1 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил., 52-сон, 523-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1998 йил 20 февралда 5 ва 98-15-сон билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалик корхоналарига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган ёнилғимойлаш материаллари ва минерал ўғитлар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкасини қўллаш тартибига (1998 йил 1 июнь, рўйхат рақами 441) мувофиқ, **қарор қиламиз:**

1. Хўжалик юритувчи субъектларда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкасини қўллаш натижасида юзага келган салбий фарқни қоплаш тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 февраль,
27-сон

Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2005 йил 15 февраль,
50-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 февраль,
2005-24-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**95 Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёж-
лари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиш-
тириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредит-
лаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
22 мартда 1448-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 1 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2005 йил 14 январдаги 2 ва 259-В-сонли қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низом»га (2005 йил 2 февраль, рўйхат рақами 1448-сон — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил 5-6-сон, 40-модда) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага мувофиқ киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 март,
32-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 март,
259-В-1-сон

Молия вазирлиги, Марказий банки
Бошқарувининг
2005 йил 14 мартдаги 32, 259-В-1-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

1. 5-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«МТПлар, муқобил МТПлар, СФУлар (суддан фойдаланувчилар уюшмалари) ва қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектларининг хизматлари учун тўловлар;»

2. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Бунда, ушбу Низомнинг 5-бандида келтирилган экинларни етиштириш харажатларининг ҳар бир турини молиялаштириш учун бериладиган кредитларнинг энг кўп миқдори юзасидан тавсиялар (1-илова) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йилги ҳосил учун агротехкарталардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Мазкур тавсия этилаётган харажатларнинг агротехника меъёрлари қишлоқ хўжалиги корхоналарига бизнес режа (2-илова) ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг бирор бир харажат тури бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда, кредит ресурсларини айрим мақсадларга сарфлашдан воз кечиш ҳуқуқига эга (минерал ўғит, кимёвий ёки биологик воситалар ва уруғлик материал харажатлари бундан мустасно).

Бунда, тегишли ойда ишлатилмаган кредит ресурслари қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан тасдиқланган бизнес режага мувофиқ бошқа рухсат этилган харажат турлари бўйича (иш ҳақидан ташқари), шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоғларини тозалашга ишлатилиши мумкин.»

3. 13-банд қўшимча тарзда қуйидаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ёзма розиликлари бўлган тақдирда, ушбу тартибнинг 5-бандида кўрсатилган мақсадларга молиялаштирилаётган жорий йил ҳосили учун етказиб берилган моддий техник ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун К-2га қўйилган ва белгиланган тартибда қарз олувчи томонидан акцептланган тўлов талабномаларига мувофиқ тўловлар амалга оширилиши мумкин.

Тўлов талабномалари қарз олувчи томонидан акцептланмаган тақдирда, тўловлар суд қарори асосида ундирилади.»

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагросуғурта» ДАСК ва Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

«Ўзагросуғурта» ДАСК раиси П. КАЗИЕВ

Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБУЛОВ

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат
эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта
ва ғалла етиштириш харажатларини
тижорат банклари томонидан кредитлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалик корхоналарини _____ йил пахта (ғалла)
ҳосилини етиштириш харажатларининг ҳар бир турини
молиялаштириш учун бериладиган кредитларнинг энг кўп
миқдори юзасидан
ТАВСИЯЛАР**

№	Харажат турлари	1 тонна ҳосил учун сўм ҳисобида			
		Йиллар			Жами
		ойлар	
1.	Иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларга				
2.	Минерал ўғитлар				
	шу жумладан:				
	азотли				
	фосфорли				
	калийли				
3.	Ўсимликларни ҳимоя қилиш				
а)	ш. ж. кимёвий усул билан				
в)	биологик усул билан				
4.	Уруғлик				
5.	Механизация хизмати (МТП, алтернатив МТП ва қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектлари)				
6.	СФУ хизмати				
7.	ЁММ				
8.	полиэтилен плёнкаси харажатлари				
9.	Электр энергия харажатлари				
10.	Эҳтиёт қисм харажатлари				
11.	Лизинг харажатлари				
12.	Бошқа харажатлар (пахта ишлаб чиқариш бўйича бошқа харажатлар ҳамда сақлаш учун ажратмалар) *				
	Жами				

*) Бошқа харажатлар учун тўловлар куйидаги кўрсатилган харажат моддалари бўйича амалга оширилади

1. Банклар хизмати
2. Хўжалик ва идора харажатлари
3. Ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоғларини тозалаш харажатлари
4. Коммунал хизматлар (сув, газ, электр энергия, иситиш ва бошқалар) учун тўловлар
5. Хўжалик ихтиёридаги автотранспорт учун ЁММ харажатлари
6. Суғурта харажатлари
7. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаларини сақлаш харажатлари (туман ҚСХБ, уюшма)
8. Бошқарув аппарати ходимларининг иш ҳақи ва бюджет тўловлари

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёблари учун харид қилиналган пахта ва ғалла етиштириш харajatларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомга 2-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги мақсулотларини ишлаб чиқаришда олинадиган молнийвий патика

Қишлоқ хўжалиги мақсулотларининг турлари	Тўлиқ ташири	ш.жумладан								Бошқа харajatлар
		Ишлак	Минерал ўғит ва қимёвий воситалар	Уруғлик	Ёмғирли	Техника ағзалар	Электр энергияси			
А	1	2	3	4	5	6	7	8		
Пахта										
Ғалла										
Жами										

Қишлоқ хўжалиги мақсулотларини ишлаб чиқаришда олинадиган молнийвий патика

Қишлоқ хўжалиги мақсулотларининг турлари	Эсини майдон, гектари	Ҳосилдорлик, ц/га	Ишлаб чиқариладиган мақсулот				Олинмаган даромад	Молнийвий патика (фойда, зарар)
			Иккисори, тонна	Ҳосилдорлик, ц/га	Ишлаб чиқариладиган мақсулот	Ташарх		
А	1	2	3	4	5	6		
Пахта								
Ғалла								
Жами								

Пахта ва ғалла етиштириш харajatларини молиялаштириш учун йил давомида олини мумкин бўлган кредит миқдорининг ҳисоб-китоби

? ишлоқ хўжалиги мақсулотларининг турлари	Жами харajatлар	январ		феврал		март		апрел		май								
		ш.жумладан	Жами харajatлар	ш.жумладан	Жами харajatлар	ш.жумладан	Жами харajatлар	ш.жумладан	Жами харajatлар	ш.жумладан	Жами харajatлар							
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
Пахта																		
Ғалла																		

Жами харajatлар	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр													
								ш.жумладан	Жами харajatлар	ш.жумладан	Жами харajatлар	ш.жумладан	Жами харajatлар	ш.жумладан	Жами харajatлар					
19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39

Жами	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
41	42	43	44	45	46	

Хўжалик раҳбари: имзо ўрни

Мухр ўрни

Хўжалик бош ҳисобчиси: имзо ўрни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

96 **Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низом тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
28 мартда 1461-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 7 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойишининг 8-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қилади:**

1. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида»ги низомнинг янги таҳрири иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кирган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 3 январдаги 3, 19 ва 19-сон қарори билан тасдиқланган «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчиларнинг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида»ги низом (2002 йил 4 январь, рўйхат рақами 1093) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази директори в.в.б. Х. МАСУДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 март,
04/ҚҚ-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
директори Б ИСМАЙЛОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 24 март,
01-76-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 март,
01/1184-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази-
нинг, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест марказининг, Меҳнат ва
аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазирлигининг
2005 йил 24 мартдаги 04/ҚҚ, 01-76,
01/1184-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директор
ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш
лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида
танлаб олиш тўғрисида
НИЗОМ
(янги таҳрирда)**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сон «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорлари аттестацияси тўғрисида»ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1998 йил 13 майдаги 204-сон «Ўзбекистон Республикасида Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари (бундан кейин матнда — таълим муассасалари)даги бўш(вакант) директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог лавозимларига танлов ўтказиш тартибини белгилайди.

Танлов таълим муассасаларига замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакали, чуқур касбий билимга, ижодий ва илмий потенциалга, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларга эга бўлган кадрларни саралаб олиш мақсадида ўтказилади.

I. Умумий қоидалар

1. Таълим муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог (кейинги ўринларда директор ўринбосарлари ва педагоглар) лавозимларига номзод-

лар танлов асосида қабул қилинадилар. Танлов бўш (вакант) лавозимларга эълон қилинади.

2. Танлов мазкур Низом асосида тузиладиган таълим муассасалари директор ўринбосарлари ва педагог лавозимларига танлов ўтказиш комиссияси (Танлов комиссияси) томонидан ўтказилади.

3. Таълим муассасаларига соатбай ҳақ тўлаш асосида ишга қабул қилинаётган шахслар директор буйруғи билан танловсиз расмийлаштирилади.

4. Академик лицейларнинг:

директор ўринбосарлари лавозимларига ўтказилаётган танловда (асосан умумтаълим фанлари ёки педагогика фанлари бўйича) илмий даража (илмий унвон)га эга бўлган шахслар ҳамда педагогик соҳа бўйича магистр ёки дипломли мутахассислар ҳам иштирок этишлари мумкин;

педагог лавозимига ўтказилаётган танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик мутахассислик бўйича магистр, дипломли мутахассис ва педагогик йўналиш бўйича бакалаврлар иштирок этишлари мумкин.

5. Касб-хунар коллежларининг:

директор ўринбосарлари лавозимларига ўтказилаётган танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр, дипломли мутахассислар иштирок этишлари мумкин;

умумтаълим фанлар бўйича педагог бўш ўринларини эгаллаш учун танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик мутахассислик бўйича магистр, дипломли мутахассис ва бакалаврлар иштирок этишлари мумкин;

махсус фан ва касбий таълим (амалиёт) педагоглари лавозимларига ўтказилаётган танловда таълим муассасаси йўналиши ва ихтисосликларига мос келадиган илмий даража (илмий унвон)ли ёки магистр, дипломли мутахассис ва бакалаврлар иштирок этадилар. Халқ хунармандчилиги, спорт ва маданият йўналишларидаги касб-хунар коллежларининг касбий таълим (амалиёт) педагог лавозимларини эгаллаш учун танловда ишлаб чиқариш корхоналарининг юқори разрядли ходимлари ва миллий хунармандчилик усталари, шунингдек спорт устаси ёки маданият соҳасида унвонга эга ўрта ёки ўрта махсус маълумотли шахслар ҳам иштирок этишлари мумкин.

6. Академик лицей ёки касб-хунар коллежига айлантирилаётган бошқа турдаги таълим муассасалари директор ўринбосарлари ва педагоглари танловда умумий асосда иштирок этадилар.

7. Директор ўринбосари ва педагог лавозимини эгаллаш учун ўтказилаётган танловда номзодлар аризасига биноан иштирок этадилар.

Директор ўринбосари лавозимига камида иккита номзод танловда қатнашиши лозим.

8. Суд ҳукмига кўра педагогик фаолият билан шуғулланиши ман этилган шахслар танловга қўйилмайдилар.

9. Таълим муассасалари директор ўринбосарлари ва педагоглари танловдан ўтказиш бўйича тахминий саволлар мажмуи ва танлов ўтказиш графиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази ёки бўйсинувида таълим муассасаси бўлган вазирлик ёки идора томонидан ишлаб чиқилади.

II. Танлов ўтказиш тартиби

10. Бўш (вакант) директор ўринбосарлари лавозимига танлов Ўрта махсус, касб-хунар таълим марказининг ҳудудий бошқармалари ёки бўйсинувида таълим муасса-

саси бўлган вазирлик ёки идора томонидан, педагог лавозимларига — таълим муассасалари раҳбарияти томонидан марказий ёки маҳаллий матбуот орқали 1 ой олдин эълон қилинади.

11. Танлов эълон қилингандан кейин:

директор ўринбосарлари лавозимларига танловда иштирок этишни хоҳлаган номзодларнинг аризалари ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармасига ёки бўйсинувида таълим муассасаси бўлган вазирликка ёки идорага;

педагог лавозимига танловда иштирок этишни хоҳлаган номзодларнинг аризалари таълим муассасасига тақдим этилади.

12. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

сўронома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;

маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;

илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса);

илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

4 x 6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат.

Бундан ташқари:

директор ўринбосари лавозимларига номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция).

13. Директор ўринбосари лавозимига танлов ўтказиш учун ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан ушбу бошқармалар ҳузурида ёки бўйсинувида таълим муассасаси бўлган вазирлик буйруқлари билан ушбу вазирликлар ҳузурида ёки идора раҳбарининг буйруғи билан ушбу идора ҳузурида;

педагог лавозимларига танлов ўтказиш учун таълим муассасалари директорларининг буйруқлари билан таълим муассасалари ҳузурида танлов комиссиялари тузилади.

14. Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

15. Танлов комиссияси 5 кишидан иборат таркибда тузилади.

16. Танлов комиссияси очиқ овоз бериш асосида ва кўпчилик овоз билан танлов бўйича якуний ҳулоса қабул қилади. Овозлар тенг бўлган тақдирда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

III. Танлов натижалари

17. Директор ўринбосарлари лавозимларига комиссия томонидан танлаб олинган номзодлар билан ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси ёки тегишлича бўйсинувида таълим муассасаси бўлган вазирлик ёки идора белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузади ва буйруқ билан расмийлаштиради.

18. Педагог лавозимига танлаб олинган номзодлар билан таълим муассасаси директори белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузади ва буйруқ билан расмийлаштиради.

19. Танлов комиссияси ҳулосасидан норози бўлган шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

97 Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог кадрлари аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
28 мартда 1462-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 7 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойишининг 8-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қилади:**

1. «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог кадрлари аттестацияси тўғрисида»ги низомнинг янги таҳрири иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кирган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 3 январдаги 4,18 ва 18-сон қарори билан тасдиқланган (2002 йил 4 январь, рўйхат рақами 1094) «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими раҳбарлар таркибини, педагог ва муҳандис-педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги низом ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 24 апрелдаги 10, 293 ва 22-сон қарори билан тасдиқланган (2002 йил 14 май, рўйхат рақами 1094-1) низомга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази директори в.в.б. Х. МАСУДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 март,
05/КҚ-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
директори Б. ИСМАЙЛОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 24 март,
01-77-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 март,
01/1185-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази-
нинг, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест марказининг, Меҳнат ва
аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазирлигининг
2005 йил 24 мартдаги 05/ҚҚ, 01-77,
01/1185-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директор
ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог кадрлари
аттестацияси тўғрисида
НИЗОМ
(янги таҳрирда)**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сон «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорлари аттестацияси тўғрисида»ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог кадрлари (кейинги ўринларда — директор ўринбосарлари ва педагоглар) аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

Директор ўринбосарлари ва педагоглар аттестацияси уларнинг Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари, республикада амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бажарилишини таъминлашдаги фаоллиги, таълим муассасасида олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар сифати ва эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлигини аниқлаш, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, касб маҳоратлари ўсишини рағбатлантириш, таълим-тарбия, маънавий-маърифий йўналишлардаги меҳнати натижаларини холис баҳолаш мақсадида ўтказилади.

I. Умумий қоидалар

1. Директор ўринбосарлари ва педагоглар аттестацияси ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — ДТМ) таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган жадваллар асосида ташкил этилади ва ўтказилади.

2. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари (кейинги ўринларда — таълим муассасалари) директор ўринбосарлари ва педагоглари аттестациядан 3 йилда бир марта ўтказилади.

II. Аттестация комиссиясининг таркиби

3. Аттестация комиссиясининг таркиби 7 кишидан иборат тузилади ва ДТМ буйруғи билан тасдиқланади.

Таркибнинг 5 нафар аъзоси қатнашган тақдирда комиссия ваколатли ҳисобланади.

4. Аттестация комиссияси эҳтиёжга кўра қўшимча мутахассислар жалб қилиши мумкин.

5. Комиссия раиси ва котиби ДТМ экспертларидан, комиссия раиси ўринбосари эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ёки бўйсунувида таълим муассасаси мавжуд бўлган вазирлик ёки идора мутахассисларидан тайинланади.

Аттестация комиссияси таркибига ДТМ экспертлари, Марказ ёки унинг ҳудудий бошқармалари вакиллари, шунингдек бўйсунувида таълим муассасаси мавжуд бўлган вазирлик ёки идора вакиллари киритилиши мумкин.

6. Аттестация комиссияларининг фаолият кўрсатиш муддати ДТМ томонидан белгиланади. Зарур ҳолларда комиссиялар таркибига ўзгартиришлар ДТМ буйруғи билан киритилиши мумкин.

III. Директор ўринбосарлари ва педагоглар аттестациясини ташкил этиш

7. Ўриндошлик бўйича ишлаётган педагоглар асосий иш жойида аттестациядан ўтадилар.

Корхона, ташкилот ва идора ходимлари ўриндошлик асосида ишлаётган таълим муассасасида аттестациядан ўтказилади.

8. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқарма) ва таълим муассасалари раҳбарияти аттестация жараёнини ташкил этишга масъул ҳисобланадилар.

9. Аттестациядан ўтувчи директор ўринбосарлари ва педагоглар аттестация комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси;

маълумоти, илмий даража ва унвони (мавжуд бўлса) тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхалари;

тоифаси ҳақида маълумот (буйруқдан кўчирма);

сўнги 3 йилда нашр этилган илмий, ўқув-методик ишлари, ихтиролари ва мақолалари рўйхати (мавжуд бўлса);

малака оширганлик тўғрисидаги гувоҳнома (сертификат) нусхаси;
аттестациядан ўтувчининг охириги 3 йилдаги ўқув, услубий, илмий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича олиб борган ишлари ҳисоботи;

таълим муассасасини ривожлантириш борасидаги ишлари ва келгусидаги режалари тўғрисида қисқача маълумот (директор ўринбосарлари учун).

Аттестация комиссиялари аттестациядан ўтувчининг иш фаолиятига оид қўшимча маълумотлар сўраш ҳуқуқига эга.

Комиссияга тақдим этилган ҳужжатлар таълим муассасаси директори (раҳбари) томонидан имзоланади. Ҳужжатлардаги маълумотларнинг асослилигига имзо қўйган шахс масъул ҳисобланади.

10. Директор ўринбосарлари ва педагогларни аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги расмий хабар ва аттестация ўтказиш жадвали аттестация бошланишидан 1 ой олдин ДТМ томонидан ҳудудий бошқармаларга ва таълим муассасаларига юборилади.

11. Лавозимига танлов асосида янги қабул қилинган директор ўринбосарлари ва педагоглар уч йилдан кейин навбатдаги аттестацияга жалб қилинади.

12. Ҳомиладор ёки фарзанди 3 ёшга тўлмаган педагог аёллар аттестацияга жалб қилинмайди.

13. Педагог кадрлар таянч маълумоти ёки қайта тайёрлаш муассасаларида олган мутахассислиги бўйича аттестациядан ўтказилади.

14. Таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар педагоглари аттестацияга жалб қилинмайди.

IV. Таълим муассасаси раҳбариятининг аттестация жараёнини ташкил этишга оид вазифалари

15. Таълим муассасасининг раҳбарияти:
аттестациядан ўтувчилар рўйхатини тузади, улар ҳақида тегишли буйруғини расмийлаштиради;

аттестациядан ўтувчиларнинг ҳужжатларини тайёрлайди ва уларга тавсифномалар ёзади;

хар бир аттестациядан ўтувчи учун алоҳида йиғма жилд (9-бандга асосан) тайёрлайди;

аттестациядан ўтувчиларга аттестациянинг тартиби ва қоидаларини тушунтириш учун семинарлар ўтказиши ва уларнинг аттестацияда тўлиқ қатнашишини таъминлайди;

аттестацияда қатнаша олмайдиганлар рўйхатини тузади ва уларнинг сабабини аниқлайди;

аттестация жараёнини ўтказишга зарур шарт-шароитларни яратади.

VI. Аттестацияни ўтказиш тартиби

16. Директор ўринбосарлари аттестацияси қуйидагича ташкил этилади:
директор ўринбосарларининг фаолиятлари, мансаб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг охириги аттестациядан кейинги йиллардаги ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ҳамда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлари, шунингдек таълим муассасасини ривожланиш суръатига қўшган ҳиссасининг аниқ статистик маълумотларини ўрганиш асосида таҳлил қилинади;

мансаб вазифаларида белгиланган масалалар бўйича суҳбатдан ўтказилади. Суҳбат жараёнида берилган савол ва жавоблар махсус (саҳифаланган, боғланган, муҳрланган) журналга қайд этилади.

17. Таълим муассасасини ривожлантириш суръатини белгиловчи кўрсаткичларга қўйидагилар кирази: битирувчиларнинг билим даражаси, таълим муассасасидаги ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишларининг ташкил этилиш даражаси, ўқувчиларнинг халқаро ва республика олимпиадалари, спорт мусобақалари, маънавий-маърифий йўналишлар бўйича кўриклардаги натижалари, битирувчиларининг ишга (ўқишга) жойлашиши, ўқитувчилар, иқтидорли ва кам таъминланган ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича олиб борилган ишлар, таълим муассасаси моддий-техник базаси, фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси, тадбиркорлик фаолияти, хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик масалалари.

18. Педагог кадрлар аттестацияси жараёнида қўйидаги ишлар амалга оширилади:

педагог кадрнинг охириги аттестациядан кейинги йиллардаги ўқув, илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича фаолияти ўрганилади;

педагог кадрлар ўз мутахассислиги ва меъёрий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий йўналишлар ва педагогик маҳоратини аниқлаш бўйича суҳбатдан ўтказилади. Суҳбат жараёнида берилган савол ва жавоблар махсус (саҳифаланган, боғланган, муҳрланган) журналга қайд этилади.

VII. Аттестация натижалари

19. Аттестация комиссияси директор ўринбосарлари ва педагоглар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда суҳбат натижалари асосида умумий хулосани қабул қилади.

Умумий хулосалар комиссия аъзоларининг очиқ овоз бериши йўли билан аниқланади. Овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Аттестация комиссиясининг хулосаси аттестациядан кейин эълон қилинади.

20. Комиссия аттестация натижаларига кўра директор ўринбосарлари ва педагоглар ҳақида «Аттестациядан ўтди», «Аттестациядан шартли ўтди» ёки «Аттестациядан ўтмади» деб хулоса чиқаради.

21. «Аттестациядан ўтди» деб эътироф этилган директор ўринбосарлари ва педагоглар эгаллаб турган лавозимига лойиқ деб топилади.

22. «Аттестациядан шартли ўтди» деб эътироф этилган директор ўринбосарлари ва педагоглар 6 ойдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади.

23. «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган директор ўринбосарлари ва педагоглар Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-бандига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади.

24. Таянч маълумоти дарс бераётган фанига мос келмайдиган педагог кадрлар қайта тайёрлаш курсларидан ўтмаган бўлса, аттестацияга қўйилмайди.

25. Таянч маълумоти дарс бераётган фанига мос келмасдан аттестацияга қўйилмаган педагогларга, тегишли таълим муассасаси раҳбари ўз мутахассислигига ўтишни ҳамда қайта тайёрлаш курсига боришни таклиф қилади. Ушбу таклифларга рози бўлмаганда амалдаги қонунчилик асосида у билан меҳнат шартномаси бекор қилинади.

26. Аттестация қилинувчи аттестацияга узрли сабаб билан келмаган тақдирда, унинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилади. Аттестацияга узрсиз сабабга кўра

қатнашмаган директор ўринбосарлари ва педагог «Аттестациядан ўтмади» деб ҳисобланади.

27. Аттестация комиссиясининг хулоса (баҳо ва тавсия)лари иловага мувофиқ аттестация варақасида қайд этилади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Аттестация варақалари ва баённомаларга ўзгартириш киритиш қатъиян ман этилади.

Аттестация варақаси ходимнинг шахсий ҳужжатларига қўшиб қўйилади, баённоманинг биринчи нусхаси ДТМда сақланади.

28. Аттестация натижалари бўйича комиссия ҳисобот тайёрлайди ва ДТМга тақдим этади.

29. Ўтказилган аттестация натижалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш мумкин.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари
директор ўринбосарлари, педагог ва
муҳандис-педагог кадрлари аттестацияси
тўғрисида низомга
ИЛОВА

АТТЕСТАЦИЯ ВАРАҚАСИ

(Таълим муассасаси номи)

Аттестациядан ўтувчининг Ф.И.Ш. _____

Туғилган йили _____ Лавозими _____

Маълумоти _____ Мутахассислиги _____

Тамомлаган ўқув юртининг номи ва тамомлаган вақти _____

Илмий даражаси ва унвони _____

Умумий меҳнат стажи _____ Умумий педагогик стажи _____

Мазкур таълим муассасасидаги иш стажи _____ Бошқа қўшимча маълумотлар _____

(Давлат мукофотлари: орден, медал, кўкрак нишони ва бошқалар. ХТВ томонидан таъсис этилган кўкрак нишони)

Аттестация комиссиясининг хулосаси _____

Аттестация комиссиясининг раиси _____

(фамилияси, исми ва имзоси)

ўринбосари _____

(фамилияси, исми ва имзоси)

котиби _____

(фамилияси, исми ва имзоси)

Комиссия аъзолари:

1. _____

(фамилияси, исми ва имзоси)

2. _____

(фамилияси, исми ва имзоси)

3. _____

(фамилияси, исми ва имзоси)

4. _____

(фамилияси, исми ва имзоси)

5. _____

(фамилияси, исми ва имзоси)

6. _____

(фамилияси, исми ва имзоси)

7. _____
(фамилияси, исми ва имзоси)

Мухр ўрни

8. _____
(фамилияси, исми ва имзоси)Аттестация варақаси билан танишдим, 200__ йил _____
(сана, ой)_____
(имзо)ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**98** Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, ин-
кассация ва бойликларни ташишга доир йўриқномага
ўзгартиришлар киритиш ҳақида*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
29 мартда 1263-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди**(2005 йил 8 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» Қонунига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва бойликларни ташишга доир Йўриқномага (2003 йил 1 август, рўйхат рақами 1263) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 12 март,
3-А/3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ПАРВОЗ ХАВФСИЗЛИГИ НАЗОРАТИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ НОЗИРЛИГИ БОШЛИГИНИНГ
БЎЙРУҒИ

99 Ўзбекистон Республикасининг «Учишга яроқлилик тўғрисида шаҳодатномаларни бериш» (ЎзР АҚ 30) Авиацион қоидаларига ўзгаришлар ва тўлдиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
29 мартда 1225-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 8 апрелдан кучга киради)

Халқаро фуқаролик авиацияси (ИКАО) талабларини жорий қилиш мақсадида буюраман:

1. Дававианазорат бошлигининг 2003 йил 5 февралдаги 19-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Учишга яроқлилик тўғрисида шаҳодатномаларни бериш» Авиацион қоидаларига (2003 йил 5 март, рўйхат рақами 1225) иловага* мувофиқ ўзгаришлар ва тўлдиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

3. Иш бошқарувчи томонидан девонхона билан ҳамкорликда мазкур буйруқнинг кўпайтирилиб барча авиакомпаниялар ва манфаатдор ташкилотларга тарқатилиши таъминлансин.

4. Мазкур буйруқ бажарилиши устидан назорат сертификатлаш, лицензиялаш ва парвоз хавфсизлиги устидан назорат бошқармаси бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Дававианазорат бошлиғи Х. ТРОБОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 23 март,
41-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 19 мартдан 1 апрелгача бўлган маълумот

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чой хом ашёсини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 11 мартдаги 01-02/8-6, 52, НН-01/10-1088, 2005-31-сон қарори.*

2005 йил 22 мартда 1459-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 1 апрелдан кучга киради).

2. «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 мартдаги 3-А/2-сон қарори.*

2005 йил 22 мартда 626-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 1 апрелдан кучга киради).

3. «Хўжалик юритувчи субъектларга қўшимча қиймат солиғи бўйича ноль ставкасини қўллаш натижасида ҳосил бўлган манфий фарқни қоплаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 15 февралдаги 27, 50, 2005-24-сон қарори.*

2005 йил 22 мартда 1460-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 1 апрелдан кучга киради).

4. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 14 мартдаги 32, 259-В-1-сон қарори.*

2005 йил 22 мартда 1448-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 1 апрелдан кучга киради).

5. «Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазир-*

лигининг 2005 йил 24 мартдаги 04/ҚК, 01-76, 01/1184-сон қарори (янги таҳрирда).

2005 йил 28 мартда 1461-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 апрелдан кучга киради).

6. «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагог кадрлари аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 24 мартдаги 05/ҚК, 01-77, 01/1185-сон қарори (янги таҳрирда).*

2005 йил 28 мартда 1462-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 апрелдан кучга киради).

7. «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация қилиш ва бойликларни ташишга доир йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 мартдаги 3-А/3-сон қарори.*

2005 йил 29 мартда 1263-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 8 апрелдан кучга киради).

8. *Ўзбекистон Республикасининг «Учишга яроқлилик тўғрисида шаҳодатномаларни бериш» (ЎЗР АҚ 30) Авиацион қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат нозирлиги бошлигининг 2005 йил 23 мартдаги 41-сон буйруғи.*

2005 йил 29 мартда 1225-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 8 апрелдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Хўжалик юритувчи субъектларга қўшимча қиймат солиғи бўйича ҳосил бўлган манфий фарқни қоплаш тўғрисида низом. *Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган (2003 йил 6 июнь, рўйхат рақами 1246).*

Адлия вазирининг 2005 йил 28 мартдаги 47-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчиларнинг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган (2002 йил 4 январь, рўйхат рақами 1093).*

Адлия вазирининг 2005 йил 28 мартдаги 49-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими раҳбарлари таркибини, педагог

ва мухандис педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тўғрисида низом, 1-сон ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган (2002 йил 4 январь, рўйхат рақами 1094).*

Адлия вазирлигига 2005 йил 28 мартдаги 50-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

